

Қўшниларга яхшилик қилинг!



15:22 / 15 март 3046

«Қўшни» деганда уйи-маскани, боғи ёки дўкони яқин кишилар кўзда тутилади. Яъни, ҳовли қўшни, боғ қўшни ва дўкон қўшни ҳамда бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин.

Ислонда ижтимоий алоқалар ҳақида сўз кетганда, қўшничилик алоқаларига катта аҳамият берилади. Ушбу алоқаларни гўзал тарзда олиб бориш ҳақидаги таълимотлар тақдим этилади. Бу таълимотлар эса Ислоннинг ижтимоий алоқаларни иймон ва гўзал ахлоқ асосида олиб боришга берган аҳамиятидан келиб чиқади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

وَالْمَسْكِينِ وَالْيَتَامَى الْقُرْبَىٰ وَبِالْوَالِدَيْنِ

وَالصَّاحِبِ الْجَنُبِ وَالْجَارِ الْقُرْبَىٰ ذِي وَالْجَارِ

أَيْمَانِكُمْ مَلَكَتْ وَمَا السَّبِيلِ وَأَبْنِ بِالْجَنُبِ

«Ота-онага, яқин қариндошга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглр» (36-оят).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло бир неча тоифа одамларга, жумладан, яқин қўшнилр ва ён қўшнилрга яхшилик қилишга амр қилмоқда. Тафсирчи уламоларимиз ояти каримада зикр қилинган «яқин қўшни»ни қариндош қўшни, яъни яқинлиги бор қўшни, «ён қўшни»ни эса оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб тушунтиришган.

Қўшнига яхшилик қилиш ҳақидаги исломий таълимотлар ҳам дунёда мисли кўрилмаган таълимотдир. Инсон боласи ўз кундалик ҳаётида, истайдими-истамайдами, доимий равишда алоқада бўлиб турадиган тоифалардан бири қўшнилрдир. Киши ҳаётининг осойишталиги, бахти, қувончи кўпинча қўшни ила кечадиган алоқаларига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар Аллоҳ таоло бандага яхши қўшни ато қилса, кўпгина хайр-яхшиликларга сабаб бўлади. Аксинча, ёмон қўшнидан турли ёмонликлар кутилишининг ўзи турмуш ҳаловати ва осойишталигини кетказди.

Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа мулоҳазалар асосида Исломда қўшничилик алоқасига алоҳида эътибор берилган. Қўшнининг ҳаққи юқори кўтарилган.

Унга яхшилик қилиш ҳақида қўплаб тавсиялар берилган.

أَهْنَعُ هَلَلًا يَضْرَعُ شَيْئًا نَعُ
هَيْلَعُ هَلَلًا يَلْصُقُ بِنَلَا نَعُ
لِيَرْبِحَ لَأَزَامَ: لَأَقَمَّ لَسَوُ
يُتَحَرَّجُ لِبَابِ يَنْيَصُ وَيُ
هَؤُورٌ. هُتْرُويَسُ هُنَّ أَتَنْنَظُ
هَعَبْرَالُ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия бердики, уни меросга ҳам шерик қилармикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

نَعُيْ عَزُخُ لِيْ رُشِيْ بَأُ نَعُ
هَيْلَعُ هَلَلًا يَلْصُقُ بِنَلَا
نُمُويَسُ نَأَكُ نَمَ: لَأَقَمَّ لَسَوُ
رَخَالُ مُويِلَاوِ هَلَلِبَابِ

هُأَوْرِي رَاجِ يَلِي نَسْخُ يَلَفِ بَدَالِي فِي رَاخُ بَلِي

Абу Шурайх Хузоъийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин», дедилар».

Бухорий «Адабул-муфрад»да ривоят қилган.

Қўшнига яхшилик қилиш Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган кишининг сифати, белгиси, аломати экан. Ким Аллоҳга иймон келтирган бўлса, қиёмат кунидан умидвор бўлса, қўшнисига яхшилик қилиши лозим экан.

Бу ҳамда шунга ўхшаш жойларда Аллоҳга ва қиёмат кунига иймонни зикр қилиш ушбу ишларга тарғиб нақадар аҳамиятли эканини таъкидлаш учундир. Аллоҳга бўлган иймон кишиларни доимо У Зотга муҳаббат ила итоат қилишга чорлайди. Охиратга бўлган иймон эса савоб ва гуноҳларимизни эслаб туришнинг асосидир. Кимнинг охиратга иймони бўлса, яхшилик қилади ва ёмонликдан қайтади. Демак, Аллоҳга ва охиратга иймон қўшнига яхшилик қилишни, ҳатто ундан етган озорларга сабр қилишни тақозо этади.

«Ижтимоий одоблар» китоби асосида тайёрланди